

А Ж Р И М

(ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

2021 йил январь ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси Э.Ҳақимов, судья ёрдамчиси Р.Игамбердиеванинг котиблигида, томонлардан Қўқон шаҳар прокурори Ғ.Рўзиев, гумон қилинувчи К.М. ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Игамбердиева, жабрланувчи М.Ш.ларнинг иштирокида гумон қилинувчи К.М.га нисбатан 1-1503-2004/76-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

К.М., 1993 йил 1 декабрда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Ўзбекистон Давлат консерваторияси 2-босқич талабаси, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар, Қўрғонча кўчаси, 6-уйда рўйхатда туриб, Ўзбекистон тумани, Авфон кўчаси, 354-уйда яшайди, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этилиб, судга берилган.

Суд, жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ва жабрланувчи вакилининг ярашиш тўғрисидаги аризаларини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, гумон қилинувчи ва жабрланувчи вакилининг содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувларини ва томонларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи К.М. ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2020 йил 30 декабрь куни соат 16:00 ларда Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Қўқон савдо комплекси” МЧЖнинг 11-сонли савдо дўконига келиб, у ерда ўзи учун керакли кийим-кечаклар харид қилиб, сўнг дўкон эгаси М.Ш.ни чалғиганидан фойдаланиб, унга билдирмасдан, бир дона “ROXELAN” номли 300.000 сўмлик аёллар кўйлагини ва бир дона 150.000 сўмлик аёллар кофтасини яширин равишда талон-торож қилган.

Гумон қилинувчи К.М. суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2020 йил 30 декабрь куни соат 16:00 ларда Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Қўқон савдо комплекси” га ўзига керакли нарсаларни харид қилиш учун борганини, бозордан керакли нарсаларни харид қилиб, сўнгра унга нотаниш бўлган М.Ш.га тегишли савдо дўконига кирганини, у ерда М.Ш. савдо дўконини пылесос билан тозалаётган бўлганини, М.Ш.дан аёллар юбқасини нархини сўраб, кийиб кўрмоқчи бўлганини, сўнг у кийимларни кийиб кўриш вақтда илгичда илиниб турган аёллар кўйлагини ва аёллар кофтасини олиб, сотувчи М.Ш. кўрмаганлигидан фойдаланиб, ёнида бўлган сумкага солганини, сўнг М.Ш.ни олдига чиқиб, юбка учун 135.000 сўм пулларни бериб, юбқасини сумкасига солганини, бироқ М.Ш. кўйлак ва кофтани кўрмай қолганини, сўнг ушбу ўғирлик йўли билан қўлга киритган



буюмларини яшаш хонадонига олиб бориб қўйганини, сўнгра 2021 йил 5 январь куни яна савдо қилиш учун келганини, бироқ дўконда М.Ш. бўлганлиги сабабли бошқа савдо дўконига кирганини, у ердан савдо қилиб чиққанида, дўкони эгаси М.Ш. уни кўриб қолиб, олдига чақирганини ва ўғирлик қилганини айтганини, у М.Ш.га ўғирлик қилганини тан олганини, шу сабабли ўғирланган нарсаларни пулини бериш учун келганини айтганини, лекин М.Ш. ИИБ ходимларига хабар берганини, айбига иқрорлик билдирганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, кечирим сўраганини, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб олганини, бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уларга ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини, суддан ярашув тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни сўради.

Жабрланувчи М.Ш. суд мажлисида, Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Қўқон савдо комплекси” да турмуш ўртоғи билан бирга аёллар кийим-кечакларини сотиш билан шуғулланишини, 2020 йил 30 декабрь куни соат 16:00 ларда савдосини тугатиб, дўконини пылесос ёрдамида тозалаётганида, унга нотаниш бўлган К.М. савдо дўконига келиб, аёллар юбқасини сўраганини, у К.М.га юбка берганида, К.М. кийиниш хонасига кириб, яна бошқа кийимларни кўргандек бўлганини, сўнг юбкани сотиб олмоқчи бўлиб, у билан савдолашганини ва 135.000 сўмга келишиб сотиб олганини, сўнг пулларни бериб, К.М. чиқиб кетганини, у чиқиб кетганидан сўнг кўйлак илгич ва кофта илгичлар бўшаб қолганини кўрганини, сўнг эртаси куни келиб, видеотасвирларни кўрганида, К.М. гўёки уни тозаловидан фойдаланиб, 150.000 сўмлик бир дона аёллар кўйлаги ва бир дона аёллар кофтасини ундан яшириб, ўғирлик йўли билан олиб чиқиб кетганини, сўнг ҳолат юзасидан ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирда К.М. унга нисбатан етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва ундан кечирим сўраганлиги, улар ўзаро ярашиб олганликларини, уларга ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини кўрсатиб, суддан уларга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўраб ариза тақдим қилди.

Гумон қилинувчи К.М.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг 3-қисмида, “Тушунтирилсинки, қонунда ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, гумон қилинувчи эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкин”, 5-қисмининг 3-хатбошисида, “Шунингдек, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозимлиги судларга уқтирилсин.”,-деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида, ушбу кодексининг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс,



агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни баргараф этса, жиной жавобгарликдан озод қилиниши мумкин”,-деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, “Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, гумон қилинувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин”,-деб кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ярашиш тўғрисидаги ариза ихтиёрий равишда ёзилганлигини, гумон қилинувчи К.М. ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган моддий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даввоси йўқлигини, тарафларни ярашув битимига розилиklarини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан К.М.нинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, уни жиной жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчи М.Ш.га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи К.М. жабрланувчи М.Ш. билан ярашганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибда хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

/имзо/

Э.Ҳақимов

Нусхаси аслига тўғри:

Э.Ҳақимов

